

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 12 апрель, пайшанба

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 70 (10.879)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ЯНГИЛАШ ВА ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ҲАМДА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришдан иборат.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида тегишли тузатишлар, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун асосдир.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари

Сиёсий партия фракцияси сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузилган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўпчилик ўрини эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликти ташкил этади.

Уз дастурий мақсадида вазибаларнинг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузидиган бир неча сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўпчиликти ташкил этиши мумкин.

Янги ташкилланган ҳукуматнинг туган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши мумкин.

Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бириктирилиши қонунда назарда тутилган ҳуқуқларини амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайди.

Узини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида масъул кўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил тахририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакиллариининг кафолатли иштирок этиши.

Парламентдаги муҳолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламентдаги кўпчилик томонидан камситилиши мумкин эмас.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Спикерининг ўринбосарларини сайлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўз таркибидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари аширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида тузилган сиёсий партия фракцияси ўз вакили Қонунчилик палатасида Спикерининг ўринбосарларидан бирини эгаллашда кафолатли ҳуқуққа эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун сиёсий партия фракцияси, қоида тарқасида, ўз фракцияси раҳбарининг номзодини киритади.

Сиёсий партия фракциясидан тақдим этилган номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Спикерининг ўринбосари лавозимига сайланмаган тақдирда, сиёсий партия фракцияси ўз фракцияси аъзолари орасидан бошқа номзодни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Спикерининг ўринбосари Қонунчилик палатаси кўмиталаридан би-

рининг таркибига сайланиши мумкин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мансабдор шахслари сайланганидан ва органлари шакллантирилганидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири билан ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати кўриб чиқиши ҳамда тасдиқлаши учун тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овозини олган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзоди тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан кўшимча маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимига номзодлари яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан кўшимча маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимига номзодлари яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан кўшимча маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимига номзодлари яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тартиби томонидан қуйидаги ҳолларда лавозимидан озод этилади:

а) Бош вазирнинг истеъфога чиқиш тўғрисидаги аризасига биноан;

б) Бош вазир ўз ваколатларини бажариши мумкин бўлмаган тақдирда;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидан унинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид қарорлар қабул қилган тақдирда;

г) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун тақдим этган ташаббусига биноан. Агар зарур асосларга эга бўлган бундай ташаббусни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари қўллаб-қувватласа ҳамда мазкур ташаббус Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатида овозга қўйилганда тегишсини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сони учдан икки қисмидан кўпрогининг овозини олганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг лавозимидан озод этилиши бир вақтинч ўзида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг истеъфога чиқишига сабаб бўлади.

6-модда. Вилоят, Тошкент шаҳар ҳокими тайинлаш ва тасдиқлаш тартиби

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

«E'ZOZA-NUR TEKS» хусусий корхонаси шу йил фаолиятини бошлаганига қарамай, бу ерда ҳозирда 30 хилга яқин болалар кийимларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

СУРАТДА: корхона тикув цехида иш қизгин.

Алексей Попов олган сурат



Қисқа сатрларда

- **БУГУН** Чилонзор туманидаги «Акимтекстиль» қўшма корхонасида «Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш» мавзусида ўтказилган давра суҳбати Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.
- **БУГУН** Тошкент Кимё-технология институтида, Ўзбекистон Давлат консерваториясида, Тошкент Ислон университетидида, Тошкент Архитектура-қурилиш институтидида «Очқик эшиклар кўни» тадбири ўтказилди.
- **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Адолат» социал демократик партиясининг аъзолари, фаоллари, талабалар, ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган тадбир «Жамиятни янгилашда аёлларнинг туган ўрни»

деб номланди.

• **КЕЧА** Бектемир туманида туман фаоллари, тадбиркорлар иштирокида уюштирилган тадбирда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг устувор йўналишлари борасида фикр алмашилди.

• **БУГУН** Ҳамза туманида яшовчи муддатли ҳарбий хизматга отланган йигитларни Қуролли Кучлар сафарига кузатиш маросими уюштирилди.

• **ТЕАТР** иҳлосмандлари эътиборига Республика Ёш тошбабинлар театри иждоқорлари томонидан тайёрланган «Дискотека» спектакли ҳавола этилди.

• **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат солиқ кўмитасида ўтказилган тадбир буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 671 йиллигига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ҚАДИМГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРНИНГ БУГУНГИ АЛОҚАЛАРИ

ДУНЁДА МЎЪЖИЗА КЎП. АЙНИ ПАЙТДА ИНСОН ТАФАККУРИ БИЛАН ЯРАТИЛГАН МЎЪЖИЗАЛАР САНОҚЛИДИР. МИСР ЭХРОМЛАРИ АНА ШУНДАЙ ЕТТИ МЎЪЖИЗАНИНГ БИРИ ҲИСОБЛАНДИ.

Сўзни етти мўъжизадан бошлашдан мурод шуки, аждодлар меросининг бойлиги бобида Ўзбекистон ҳам, Миср ҳам дунёга кўз-кўз қилгулик обидаларга эга мамлакатлардир. Бир неча аср бурун Самарқанд шаҳрига берилган таъриф ҳар қандай изоҳдан устун: «Самарқанд сайқали рўйи замин аст» («Самарқанд рўйи замин сайқалидир»)!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини араб мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Миср Араб Республикаси тан олган (1991 йил 26 декабрь). 1992 йилнинг декабрида Президент Ислон Каримов расмий таъриф билан Мисрға борди. Мустақил Ўзбекистон раҳбарининг илк хоризий сафари уюштирилган мамлакатлар қаторида Миср ҳам бор. Ушбу таъриф чоғида Президентлар — Ислон Каримов ва Хусний Муборак музокара ўтказиб, икки томонлама алоқаларни йўлга қўйиш ва ҳамкорлиқни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги битим, шунингдек, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни рағбат-

лантириш ва химоялаш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди. Кейинчалик турли мақомдаги делегацияларнинг таърифлари билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдевори такомиллашиб, мустақамланиб борди.

Мисрнинг 1993 йилдан пойтахти-мизда фаолият кўрсатаётган элчионаси ҳам Ўзбекистонда очилган биринчи араб дипломатик ваколатхонаси ҳисобланади.

Ўзбекистон билан Миср ўртасида яқинлик кўп жабҳаларда яқол кўзга ташланади. Аввало, буюк аждодларимизнинг ақли ва меҳнати туфайли ўзбек ва араб халқлари маданияти бир-бирига уйғунлашиб кетганини таъкидламоқ жоиз. Боболаримизнинг ўлмас даҳоси, бизга қолдирган улкан илмий, маданий ва маънавий мероси халқларимизни бир-бирига боғловчи ришта бўлиб хизмат қилмоқда. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом Мотуридид, Махмуд аз-Замаҳшарий, Наҳмиддин Кубро, Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби алломалар дунё мамлакатларида, жумладан, Мисрда ҳам жуда машҳур.

(Давоми 3-бетда)

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентда Унни тўйинтириш бўйича миллий дастур доирасида «Журналистлар учун учинчи миллий мукофот» танловининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган ушбу тадбирда оммавий ахборот воситалари вакиллари, шифокорлар, дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, мазкур лойиҳа мутасаддилари ва экспертлар қатнашди.

• Кеча Тошкентдаги «Дедеман» меҳмонхонасида 12-14 апрель кунлари Термизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий VIII Ал-Ҳаким ат-Термизий халқаро турири ва аёллар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати олдидан Кураш халқаро ассоциациясининг навбатдаги ижрокўм йиғилиши ва журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилди.

• Бугун Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида Ўзбекистон — Индонезия инвестициявий бизнес-семинари бўлиб ўтади. Анжуманда икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ва иқтисодий муносабатларни кенгайтириш имкониятларини ўрганиш, Ўзбекистон маҳсулотларини Индонезия бозорларига киритиш масалалари муҳокама этилади.

• «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашида ўқувчи-ёшларнинг «Сехрли ёғду-2007» кино-фото фестивали бошланди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ЁИХ, «Камалак» болалар ташкилоти, Республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази, Киновидеоавақорлар жамияти ҳамда Миллий телерадиокомпания ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

• Пойтахтлик бир гуруҳ шифокорлар Марғилон шаҳри аҳолисига беғараз тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида хизмат сафари билан Фарғона водийсига ташриф буюришди.

• Урганч шаҳрида «Хоразмтелеком» акциядорлик жамияти, Тошкент Ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали ва «Камолот» ЁИХ вилоят бўлими Кенгаши ҳамкорлигида «Ёш дастурчилар» танлови ўтказилди.

• Жиззах шаҳри яқинидан оқиб ўтувчи Санғор дарёсининг иккала қирғоғини бир-бирига боғловчи янги мустаҳкам кўприк қуриб битказилди. Мазкур замонавий иншоотни «Жиззахавтўйл» шўъба корхонаси билан Қўқон йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси бунёдкорлари барпо этишди.

• Республикамикимиз жанубидаги «Аму-занг» каналини Осиё тараққиёт банки иштирокида модернизациялаш учун жорий йилда 12 миллион долларлик маблағ ўзлаштирилди.

• Бухоро вилояти, Олбат туманидаги Жумабозор қишлоғида иқтисодий касб-хунар коллежи бунёд этилмоқда. Уч қаватли, ўзига хос меъморий ечимга эга бўлган мазкур иншоотнинг умумий лойиҳа қиймати 1 миллиард 600 миллион сўмни ташкил этади. 540 ўринли мазкур коллеж биноси янги ўқув йилида ишга туширилади.

ЖАҲОНДА

• Қатарнинг Доха шаҳрида газ экспорт қилувчи давлатлар энергетика вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Қатнашчилар газ нархини шакллантириш юзасидан ўзаро фикр алмашишди.

• АҚШ Президенти Украина, Грузия, Абхазия, Македония ва Хорватиянинг НАТОга киришини қўллаб-қувватловчи қонунни тасдиқлаб, имзо чекди. Бундан олдинроқ АҚШ Конгрессининг ҳар иккала палатаси ҳам мазкур ҳужжатни қабул қилган эди. Жорий йилда юқоридаги мамлакатларга уларнинг армиясини Шимолий Атлантика альяниси талабларига мувофиқлаштириш учун 12 миллион доллар микдоридидаги маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

• Кеча Жазоир пойтахтида «Интерпол»нинг мамлакатдаги филиали, полиция участкаси ва бошқа жойларда бир неча террорчилик ҳаракатларининг амалга оширилиши оқибатида 24 киши ҳаётдан кўз юмди. Ушбу қабих жиноятларда «Ал-Қоида» жангариларининг қўли борлиги маълум бўлди.

• АҚШ ҳарбий кўмондонлиги Ироқ ва Афғонистондаги доимий ҳаракатдаги ҳарбийларнинг ушбу мамлакатларда яна 12 ойдан 15 ойга қадар бўлишига қарор қилди.

• Испанияда участка шифокорлари 24 соатлик иш ташлаш эълон қилдилар. Улар туман поликлиникаларида иш шариотлари яқшиланишини, маошлар оширилишини талаб қилишмоқда.

• Буюк Британия ҳарбийларига 15 нафар мамлакат ҳарбий денгизчиси Эрондан қайтиб келганидан сўнг мамлакат оммавий ахборот воситаларига интервьюлар бериб, катта микдорда маблағ ишлаб олганларидан сўнг маълум маблағ эвазига оммавий ахборот воситаларига интервью бериш расман таъқиқланди.

• Дунёнинг йирик молиявий компанияларидан бири — 337 минг ходим фаолият кўрсатаётган Citigroup корпорацияси минг нафарга яқин ходимини вазирасидан озод этди. Ходимлар сонини қисқартириш корхонанинг менежмент режасига асосан амалга оширилаётган бўлиб, унга кўра жами 15 минг нафар киши ишдан бўшатилади. Қизғин шундаки, жорий йилнинг март ойида Forbes журнали дунёнинг 2 мингта йирик компанияси рўйхатини эълон қилганида Citigroupга биринчи ўринни берган эди.

• Грузиянинг жануби-ғарбида жойлашган Цколиалиси аджар қишлоғида XI асрга оид қадимги аркли кўприк қулаб тушди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ЯНГИЛАШ ВА ЯНАДА
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ҲАМДА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ
ҚИЛИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИНИ
КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бош 1-бетда)

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур лавозимларга номзодларни партиясиз гуруҳлари билан қўшимча маслаҳатлашулар ўтказганидан сўнг бир ой ичида яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши тақдим этилган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчини тайинлаш, тегишли халқ депутатлари Кенгаши тақдим этиш ҳуқуқига эга.

инлаш, тегишли халқ депутатлари Кенгаши тақдим этиш ҳуқуқига эга. Бунда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашиларининг қарорига мувофиқ ҳоким номзоди бўйича фармон қабул қилади.

7-модда. Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларининг вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими фаолияти устидан назорат қилиш вазифалари

Назорат қилиш вазифалари самардорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашилариди партиясиз гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига

тасдиқланган шахсларнинг қоникорсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган ҳулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи бериллади. Бундай ташаббус етакчи партиясиз гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббуснинг халқ депутатлари Кенгашидаги муҳокамасини тайинлайди ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қилади.

8-модда. Ушбу Конституциявий Қонуни қўлдан келтириш

Ушбу Конституциявий Қонун 2008 йил 1 январдан эътиборан қўлга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 11 апрель № УРҚ — 88

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING
МОДДАЛАРИГА ТУЗАТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА (89-МОДДАСИГА, 93-МОДДАСИНING 15-БАНДИГА, 102-МОДДАСИНING ИККИНЧИ ҚИСМИГА)

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ушбу тузатишлар давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чикарувчи, икки этувчи тармоқлари, ҳуқуқат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига Конституция билан юклатилган ваколатларни амалга оширишдаги роли ва масъулиятини ошириш, мамлакат Президентини вазибаларини аниқ-равшан белгилаш ҳамда ҳуқуқий меъёрлар доирасида чеклаш, шунингдек қоридида кўрсатиб ўтилган ислохларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини қучайтириш мақсадида киритилмоқда.

1-модда. 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақирқи Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №1, 4-модда; 1994 йил, №1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3-4, 27-модда) қуйидаги тузатишлар киритилсин:

1) 89-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«89-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президентиди давлат бошлиғиди ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди»;

2) 93-модданин 15-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга

мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадриятини қўриқадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли»;

3) 102-модданин иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президентиди томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади»;

2-модда. Ушбу Қонун 2008 йил 1 январдан эътиборан қўлга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 11 апрель № УРҚ — 89

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

«ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ЯНГИЛАШ ВА ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ҲАМДА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУҚУҚАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚУШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 818-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 138-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 4-модданин матни қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Вазирлар Маҳкамаси таркибига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири (бундан бунён матнда Бош вазири деб юритилади), унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари киради. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи ўз лавозими бўйича Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентиди томонидан шакллантирилади. Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мансабдор шахслари сайланганидан ва органлари шакллантирилганидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Президентиди томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири билан ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашулар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатиди қўриб чиқиши ҳамда тасдиқлаши учун тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенатиди аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини олган Бош вазири номзоди тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенатиди аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президентиди сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан қўшимча маслаҳатлашулар ўтказганидан сўнг Бош вазири лавозимига номзодларни яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенатиди тақдим этилган Бош вазири номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президентиди Бош вазири вазифасини бажарувчини тайинлайди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ёки унинг палаталаридан бирини тарқатиб юборади.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентиди томонидан тасдиқланади ва лавозимидан озод этилади.

Вазирлар Маҳкамасини янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади»;

2) қуйидаги мазмундаги 4-модда билан тўлдирилсин: «4-модда. Бош вазири лавозимидан озод этиш

Бош вазири Ўзбекистон Республикаси Президентиди томонидан қуйидаги ҳолларда лавозимидан озод этилади: а) Бош вазирининг истеъфода чиқиш тўғрисидаги аризасига биноан;

б) Бош вазири ўз ваколатларини бажариши мумкин бўлмади қолган тақдирда;

в) Вазирлар Маҳкамаси таркибига унинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган инцидентлар юз берганда, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига эид қарорлар қабул қилган тақдирда;

г) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Президентиди қўриб чиқиши учун тақдим этиш ташаббусига биноан. Агар зарур асосларга эга бўлган бундай ташаббусни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар етакчи фракциялари қўллаб-қувватласа ҳамда мазкур ташаббус Ўзбекистон Республикаси Президентиди томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатиди овозга қўйилганда тегишича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенатиди аъзолари умумий сониди икки қисмидан кўпрогининг овозини олса, Ўзбекистон Республикаси Президентиди Бош вазири лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Бош вазирининг лавозимидан озод этилиши бир вақтнинг ўзиди Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг истеъфода чиқишига сабаб бўлади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 913-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда) 2-моддасининг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президентиди томонидан тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президентиди томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгашилариди партиясиз гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашулар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳоки-

ми номзодлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президентиди мазкур лавозимларга номзодларни партиясиз гуруҳлари билан қўшимча маслаҳатлашулар ўтказганидан сўнг бир ой ичида яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши тақдим этилган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президентиди вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчини тайинлаш, тегишли халқ депутатлари Кенгашини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Бунда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентиди халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашиларининг қарорига мувофиқ ҳоким номзоди бўйича фармон қабул қилади.

Туман, шаҳар ҳокимлари вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари орасидан тайинланади ва тасдиқланади.

Шаҳардаги туман, туманга бўйсунувчи шаҳар ҳокимлари тегишича туман, туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда шаҳар ҳокимини туман (шаҳар таркибига кирувчи туманлар бундан мустасно) ҳокимига бўйсундириш ва ягона бошқарув органларини тузиш ваколатига эга бўлиб, бу хусусдаги қарор кейинчалик халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимларнинг ваколат муддати — беш йил».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги 337-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 2, 229-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) 13-модданин иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тўғрисидаги ташаббус билан Ўзбекистон Республикаси Президентидига мурожаат қилиш»;

учинчи — еттинчи хатбошилар тегишича тўртинчи сақкизинчи хатбошилар деб ҳисобланади;

олтинчи хатбоши «палатасининг» деган сўздан кейин «Спикер ўринбосарлигига» деган сўзлар билан тўлдирилсин»;

2) қуйидаги мазмундаги 13-модда билан тўлдирилсин: «13-модда. Парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги мухолифат. Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирилиши

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликни ташкил этади.

Ўз дастурий мақсадида вазибаларнинг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузадиган бир неча сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкин.

Янги тдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган фракциялар, шунингдек сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини мухолифат деб эълон қилиши мумкин.

Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирилиши кўнунда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайди.

Ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси кўнунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси маъсул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил тахририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатиди томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши.

Парламентдаги мухолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламентдаги кўпчилик томонидан камситилиши мумкин эмас»;

3) 14-модданин иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қоникорсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентидига асосланган ҳулосалар тақдим этиш ташаббуси»;

еттинчи хатбоши сақкизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги 434-II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 15-модданин матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлигига номзодлар қўрсатиш ва сайлаш тартиби қонунда ҳамда Қонунчилик палатаси Регламентиди белгиланади.

Қонунчилик палатасида тузилган фракция ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашда кафолатли ҳуқуққа эга.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун фракция, қонда тарихасида, ўз фракцияси раҳбарининг номзодини киритади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Қонунчилик палатаси қўмиталаридан бирининг таркибига сайланиши мумкин.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси Спикерининг топширигига биноан унинг айрим вазибаларини бажаради ва Қонунчилик палатаси Спикери йўқлигиди ёки ўз вазибаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазибаларини бажариб туради»;

2) 23-модданин олтинчи қисмидаги «ёки ҳеч бир фракция ёҳуд депутатлар гуруҳига кирмасликка ҳақли» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) қуйидаги мазмундаги 25-модда билан тўлдирилсин: «25-модда. Парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги мухолифат. Фракцияларнинг блокка бирилиши

Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган фракция парламентдаги кўпчиликни ташкил этади.

Ўз дастурий мақсадида вазибаларнинг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузадиган бир неча фракциялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкин.

Янги тдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган фракциялар, шунингдек сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини мухолифат деб эълон қилиши мумкин.

Фракцияларнинг блокка бирилиши қонунда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайди.

Ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган фракция қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Қонунчилик палатаси маъсул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил тахририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиш;

Сенат томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши.

Парламентдаги мухолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламентдаги кўпчилик томонидан камситилиши мумкин эмас».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги 522-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 4-модданин матни қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерини сайлашдан бошланади.

Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлаш учун депутатлар орасидан қўли билан ўн беш кишидан иборат Оқсоқоллар кенгаши тузилади, мазкур кенгаш ваколатлари Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари сайланган тугайди.

Оқсоқоллар кенгашининг таркиби тўғрисидаги тақлифни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси киритади.

Оқсоқоллар кенгаши тарихига: Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси; депутатлик фаолиятида катта тажрибага эга бўлган, ёши энг улуг депутатлар; номзодлари Қонунчилик палатасига сайланган сиёсий партиялар депутатларининг вакиллари; Қонунчилик палатасига сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатларнинг вакиллари киритилади.

Оқсоқоллар кенгашининг таркиби тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Оқсоқоллар кенгаши Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни сиёсий партиялар ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар орасидан кўрсатади.

Номзод, агар у аширин овоз бериш натижасида Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг ярмидан кўп овозини олган бўлса, Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайланган ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарларининг оғи Оқсоқоллар кенгашининг таъясига бўйича Қонунчилик палатаси томонидан белгиланади. Бунда, Қонунчилик палатасида тузилган фракция ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашда кафолатли ҳуқуққа эга эканлиги инобатга олинади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати мудадига сайланади.

Хатлар — ҳаёт ойнаси

Ўлкамизда янгиланиш, яшарли фасли баҳор айни авж паллада. Ҳа, бу фасл шунчалар гўзал, мафтункор фаслики, беҳтиёр кишининг қалби завқ-шавққа тўлади. Шоир айтмоқчи:

Яна баҳор қайтармикан, сен қайтмасанг,
Қушлар қўшиқ айтармикан, сен айтмасанг,
Доя ҳаёлга толади ҳар инсон. Дарвоқе, уйғониш, яшарли фасли бўлмиш баҳор байрамлари билан янада ўзгача шуқуҳ бахш этади. Аввало, Халқаро хотин-қизлар кунини байрам қилиб улгурмасимизданноқ Наврўзи олам кириб келади. Наврўзга таъриф келтиришининг ўзи ортиқчадек туюлади кишига. Нега десангиз, қаҳратон киш изғиринларидан беэби таърифи тилга ожиз гўзалликка ташна бўлаётган инсоннинг кўз ўнгига кўм-кўк либосларга бурканган баҳор пайдо бўлади.

Наврўзи олам баҳона витаминларга танқислик сезилаётган бир вақтда баҳорий неъматлар—кўк сомса, кўк чучвара, сумалак, ҳалимдан тановул қилган инсоннинг кучига куч, танига мадор қўшилиши шубҳасиз. Хуллас гапирарверсак, гап кўп. Бугун сиз азизларга эълон қилинаётган «Хатлар—ҳаёт ойнаси» саҳифаси материалларида ҳам баҳор нафаси, Наврўз шуқуҳи сезилиб турибди. Азизлар, биз билан доимо мулоқотда бўлинг, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, «Тошкент оқшоми» газетаси таҳририятига хат йўланг, 133-08-74 телефонига сим қўлинг. Зеро, сиз азизлар билан ўрнатилган ўзаро ҳамкорлик алоқалари тўғрисида газетамиз янада ўқимишли, таъсирчан матбуот нашри сифатида меҳрингизни қозониши шубҳасиз.

Фасллар келинчаги баҳорни бежизга уйғониш палласи деб аташмайди. Чунки баҳорда табиат уйғонади, ҳамма ёқ ям-яшил либосга бурканади, далаalarda дехқон ерга яхши ният ила уруғ қадайдди. Атроф гўзаллашади. Шу боис ҳам баҳорни яшарли, янгиланиш фасли деб аташади. Миллий қадриятларимизни ўзида муҳасам этган Наврўзи олам эса саҳоват, эзгулик айёми сифатида танамизга мадор, ўзгача руҳ ва мислсиз қувват бахш этади. Сиз суратда кўриб турганингиз манзаралар эса айнан қўридаги фикрларимизни яна бир қарра исботлайди.



«Хар йили март ойида фарзандларим, невараларим, кўни-қўшилари қариндош-уруғлар биргаликда Наврўзни нишонлашни одат қилганимиз. Бошқаларни билмадиму, лекин 85 ёшни қаршилаган камина учун яшариш, янгиланиш айёми — Наврўз азиз байрам ҳисобланади. Аслида болалигимда ота-онам, бува, бувиларим дарвасида ҳам Наврўзни ўзига хос тарзда байрам қилганимиз ҳамон эсимда. Шу боисми, ота-онамдан менга Наврўзни алоҳида кўтаринчилик билан нишонлаш одат бўлиб қолган. Хурматли таҳририят аъзолари, ушбу мактубни ёзишдан мурод, яна икки кундан кейин ҳовлимизда нишонлайдиганимиз — янгиланиш айёмига таъриф буёришингизни илтимос қилиб қолам.

Карима ая, Шайхонтоҳур тумани.

Очиғи, мактубни ўқиб аввалига бироз хайрон қолдик. Сабаби, таҳририятга йўланганидан аксарият мактублар шикоятдан иборат бўлди, айрим ҳоллардагина мактуб эгаси муҳаббат бағридан кечган вақеа-ҳодисаларни ҳикоя қилгувчи эди. Бу сафар эса Карима ая бизни айёмга тақлиф қилляпти. Уйлаб қолдик. Борсақмикан ёки...

Минг турли ҳаёл ила байрам кунларида мактуб эгасининг кўнглини ранжитмасликка қарор қилдик.

Фаол кўчасига кириб борганимизда соат 10 лардан ошганиди. Кўчада ҳеч кимни учратмадик. Наҳсинкор усулда ишланган дарвозадан ичкари кириб борар эканмиз, хақиқий шодибнанинг гувоҳига айландик. Ҳаво очик, кун исиб кетгани учунми, беш-ўн чоғли аёллар супада Наврўз қўшиқларини хиргойи қилиб ўтиришибди. Яна

беш-ўн чоғли ёшгина қиз жувонлар меҳмонларга сумалак тортиқ қилляпти. Дарвоқе, бизни гавдали, қадди-баси келишган йигит кутиб олди-да, супада ўтирган аёллар томонга юзланиб, бировини

Мактуб йўлга чорлади СУМАЛАКНИНГ ТАЪМИ ОҒЗИМДА ҚОЛДИ

чақирди. — Бувижон, таҳририятдан келишибди. Карима ая ёшига нисбатан эңчилгина, чаққонгина ҳаракат қилди-да, бизга пешвоз чиқди.

— Келинлар, айланай болаларим,— деди, елкамизга қоқиб қўришаркан. Аянинг хушмуомала, истараси иссиқкина аёл эканлигини қувондик.

— Ассалому алайкум, Наврўзи айём муборак,— мен билан келган шеригим қувонқлик билан Карима аяга салом берар экан, қўшимча қилди.—Тақлиф қилган экансиз келдик аяжон.

Карима ая бизни ҳам супага ўтказди. Дастурхон тўла баҳорий неъматлар—ялғиз, исмалок, жандуддан тайёрланган кўк сомса, кўк чучвара, кўк варақчалар, сумалак ҳидига қўшилиб иштахони қитқилайди.

— Биласизми, бу болажонларимни нима учун бугунги дастурхонимизга тақлиф этдим.—Юзланди Карима ая,—бу ёшлар хақиқий байрам таштини юрак-юракдан ҳис қилсин, бундан бундан доим Наврўзини соғиниб яшасин дедим. Камина шеригим Эркинжонга қараб

қўйдим. У ҳам хайрон. Ахир сумалак кўк сомсани ҳамма ерда ҳам тановул қилиб юрибмиз. Аянинг мақсади аслида нима экан, деган саволга жавоб кейинроқ топилди. Очиғини айтиш керак, Карима

аянинг дугоналари, фарзандлари, қизлари, неваралари қуршовада Наврўз шуқуҳидан маст бўлиб ўтирар эканмиз, бугунги кун қалбимизда бир умр сақланишига ишондик. Чунки аёллар Наврўз лапарларини ижро этишди. Жажжи ўғил-қизлар эса баҳор, Наврўзини мадҳ этувчи шерларни ёдлашди, қўшиқлар қуйлашди, рақса туюшди.

— Наврўз ҳақида бирор бир лапар айта оласизларми?—Карима ая бизга мурожаат қилди.

Эркин ҳам, мен ҳам аввалига хайрон қолдик. Чунки бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканмиз. Албатта билган шерларимизни, қўшиқларимизни хиргойи қилиб бердик. Аммо, Карима аянинг невараларичалик кўп нарса билмаслигимиздан уялдик.

— Наврўз том маънода миллий қадриятларимизни, анъаналаримизни ўзида акс эттирган байрам,—дея сўз бошлади ая бизни ўнғайсизликдан қутқариб.—Ота-болаларимиз тўққан лапарлари шерларини ўрганмоқ, кўз қорачиғидек асарб келгуси авлодларга етказмоқ жоиз. Ана шу боис ҳам камина ҳар йили Наврўз айёми-

ни кутиб олишга ошиқман, невараларимга билган лапарлари қўшиқларни ўргатаман. Қани болаларим, сумалакдан тотиб кўринлар.

Сумалакни иштаха билан тановул қилдик. Таъми ҳам ажойиб. — Сумалак жуда фойдали, ҳозирги замон тили билан айтганда витаминга бой таом,— деди Карима ая бизни дастурхонга яна бир қарра тақлиф этар экан,— сумалак аслида бир баҳона болаларим. Бугун Наврўз сабаб ақинлар билан дийдорлашдим, мазаза қилиб хордиқ чикардим. Ниятим ҳар бир оила Наврўзини ана шундай шоду хуррамлик ила доим байрам қилсин. Ҳа болаларим, миллий қадриятларимизни, ўзлгимизни ўзимизга қайтарган юртимиз Мустақиллиги абадий бўлсин, шу эъзу савоб ишларнинг бошида турган Юртбошимиз доимо саломат юрсин.

Шу кунни кечга қадар Карима аянинг хонадонига қолиб кетдик. Аммо, уйимизга хуш кайфиятда қайдик.

Ақбар йўлдошев

Таҳририятдан: Дилларга олам-олам завқ-шавқ улашувчи, эзгулик байрами Наврўзи олам ҳақида қанча гапирсак шунча ос. Албатта, Истиқлол шарофати тўғрисида Наврўз юртимизда миллий байрам сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. Бу қувончли ҳол. Аммо, ўзлгимизни, миллий қадриятларимизни, анъаналаримизни ўзида муҳасам этган бу айёмни ҳар бир оила Карима ая сингари нишонлашни одат қилса нур устига аъло нур бўларди. Шунингдек, Наврўз тарихини, Наврўз таомларини, қўшиқлар лапарларини ҳар биримиз имкония борица ўргансак, фарзандларимизга ўргатсак фойдадан ҳоли бўлмайди.

СОҒЛИҚНИНГ ҚАДРИ ХАСТАЛИККА ЧАЛИНГАНДА БИЛИНАР ЭКАН. ОСТЕОХОНДРОЗ ХАСТАЛИГИГА ЙЎЛҚИЗМАН. АЪЗО БАДАНИМ ҚАҚШАБ ОҒРИЙДИ. ЎЗИМ ШИФОКОР БЎЛГАНИМ УЧУНМИ, ҲАЛИ АНАЛЬГИН ИЧИБ КЎРАМАН, ҲАЛИ ЦИТРАМОН. ОҒРИК ЗЎРАЙСА ЗЎРАЙДИКИ, ДОРИ ҚОР ҚИЛМАДИ.

Газетхон миннатдорчилик билдиради ДАРДИМГА МАЛҲАМ БЎЛИШДИ

Оғрикни қолдирадиган кучли препарат баральгин менга таъсир қилмайдди, аксинча аллергиямни кўзгатади. Хуллас, кизим Ферузанинг зўри билан 30-оилавий поликлиника шифокорларига мурожаат қилишга тўғри келди. Ушбу поликлиника шифокорларидан тоабад миннатдорман. Нега дейсизми? Унда эшитинг, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, касалхоналарда ҳам дори танқислиги сезилаётган бир пайтда шифокор Саида Расулова, муолажа хонаси ҳамшираси Мўътабар Рисқулова ёнларида кардиомин, кальций ўзлари ҳам бир неча марта аҳолимни, муолажа қандай кетаётганини сўраб сурштирдилар. Натияжа мен соғайиб кетдим. Дардимга малҳам, танамга шифо берган шифокорларга миннатдорчилигимни изҳор қилган ҳолда қалблари халатларидек оқ бўлган шифокорларнинг машаққатли, аммо шарафли ишларида муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қолам.

Пўлати ШОҒИРАТОВА, Учтепа тумани, «Кўҳна Чўпон ота» маҳалласи

Маҳаллангиз тарихини биласизми? «ҚОҒҒДИ»НИНГ АСО МАЪНОСИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗИНИНГ КЎП ЙИЛЛИК ТАРИХИГА ЭГА БЎЛГАН МАҲАЛЛАЛАР ТАЛАЙГИНА. «ҚОҒҒДИ» МАҲАЛЛАСИ ҲАМ ҚАДИМДАН МАЪЛУМ. АРХЕОЛОГЛАР БУ НОМИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИНИ «ҚОҒҒДИ» ДЕБ АТАЛГАН ХОТИРА МАРОСИМИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛСА КЕРАК, ДЕГАН ФИКРНИ АЙТИШАДИ. АСЛИДА БУ ТОПИЛМАНИНГ ҲЕЧ ҚАНДАЙ МАРОСИМГА АЛОҚАСИ ЙЎҚ.

«Қоғғди» илк ўрта асрларда Маданият аш-Шош номи билан машҳур бўлган қадимги Тошкентнинг шимолий-ғарбий томонида шаҳарга яқин жойлашган қишлоқ саналади. Ушбу топоним икки бўғинли бўлиб, «Қарйа» ва «Ди» каби сўزلардан шаклланиган «Қарйа» сўзи арабча, «ди» эса форс-тожикча «қишлоқ» маъносини англатади. Ҳар икки тилда ҳам «Қишлоқ-қишлоқ» сўзлари бирикмасида юзага келган бу топонимнинг мазмуни, шубҳасиз, ўз замонида ҳар икки тилда сўзлашувчи аҳолига тушунарли бўлган.

«Қоғғди» арабий, форс-тожик ва ўзбекча бирикмаси асосида шаклланиган топонида маҳаллий жой номидан айнан таржима этилган.

Арабларга қандай турар жой экан тушунарли бўлиши учун «Қарйа+ди», яъни «Қишлоқ+қишлоқ» деб аталган. Кейинчалик Қарйади қишлоғи авлодлар таллафузида Қоғғди деб юритилиб кетган. Унинг ҳаробалари яссирок тепа шаклида Тошкент элиласига (1966 йил) қадар Қоғғди маҳалласида сақланган эди. Маҳалла аҳолиси бу моддий маданият ёдгорлигини «Қишлоқтепа» дея аташарди.

Ақбар АЛИЕВ



Хунари гўзаллар ОТА КАСБИНИ ЭЪЗОЗЛАБ

Пойтахтимизда фаолият юритаётган ва халқ амалий санъатининг сандиксозлик турини ривожлантиришида муҳим хўса қўшаётган Қосимовлар сулоласи ҳам ана шундай хунари гўзаллар сирасига кирди. Сулоланинг 5-авлод вакили бўлмиш Рустам Қосимов ҳам ўз илгани билан, билан ва иқтидори билан сандиксозликка муҳим ҳисса қўшмоқда. У ясаган қимматбахо сандикларга хорижий сайёҳлар ҳам харидор бўлишмоқда. — Жуда ёшлигимдан падарни бузрукворим Убайдулла Қосимовдан сандиксозлик хунари сирларини кўнот билан ўргандим,— дейди Рустам Қосимов.—Отанинг бир бир ҳаракатини синчковлик билан кузатар эканман, бежирим билан дид билан безатилган сандик ва сандикчаларга, умуман шу хунарга меҳрим товланди. Нима бўлганда ҳам ота-болаларимиз хунарида, уни ўрганишга жазм қилдим. Бугунги кунда эса ўзим пойтахтимиздаги «Абулқосим» мадрасасида фаолият кўрсатар эканман, шоғирлар ҳам тайёрлаяман. Янги технологиялар асосида Тошкент услубини қўллаган ҳолда куббали, найзали, бодом гулли безаклар берилган сандик ва сандикчалар тайёрлаяман. Энг асосийси эса юртимизда хунармандчилик ривожига катта эътибор қаратилгани, етарли шарт-шароитлар яратилганидир.

Сандиксоз уста Рустам Қосимов бу йил илк марта ўз маҳсулотлари билан «Ташаббус—2007» кўрик-танловига катнашиб муваффақиятларга эришганидан бениҳоя мамнун. У кўрик-танловнинг Юнусов деб босқичида 1-ўринни эгаллаб, «Энг яхши хунарманд» деб топилган бўлса, таловнинг шаҳар босқичида ушбу номинация бўйича фахрли 3-ўрин соҳиби бўлди. Албатта, ёш сандиксоз уста келгусида халқ амалий санъатининг ушбу турини ривожлантириши, уни авлодларга етказиш ва яхши шоғирлар тарбиялашни ният қилган. Яхши ният эса ҳаммиша кишининг йўлдоши бўлади.

Шарофат БАХРОМОВА

СУРАТДА: сандиксоз Рустам Қосимов. Ҳақирмон Солиқов олган сурат

Шахсий фикр

ТАЛАБА УЯЛИ ТЕЛЕФОНГА МУҲТОЖМИ ?

БУГУНГИ МУНОЗАРАМИЗ МАВЗУСИДАН БИРОЗ ҲАЙРАТГА ТУШГАН БЎЛСАНГИЗ КЕРАК. ЭҶТИМОЛ СИЗ ҲАМ УЯЛИ ТЕЛЕФОННИНГИЗНИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТИНГИЗНИ ТАСАВВУР ҚИЛОЛМАССИЗГА МАЙЛИ, СИЗ ҲАМ МУНОЗАРАМИЗГА ҚЎШИЛИНГ.

Бугун кўча-кўйда, транспортда, жамоат жойларида, бориники, инсон оёғи етган ҳамма ерда уяли алоқалар бор. Давлат корхоналарида ишловчи кишиларнинг бу мусолададан фойдаланишлари қаршилганимиз йўқ. Бирок айни кунда талабалар орасида кўпайиб кетаётган бу алоқа воситаси шунчалик зарурими? Баъзан дарс вақтида уяли алоқа телефони орқали янграган му-

сика товуши ҳаммининг ҳаёлини бузади. Балки сўзларимиздан тараққийёт ривожига қарши чиқаяпти, деб ўйлашингиз ҳам мумкин. Йўқ, биз бундай ниятдан анча йироқмиз. Уяли телефонларга ҳам эътироз билдирмаймиз. Фақат илм даргоҳларида кўтариб юриш унчалик тўғри эмаслигини эслатиб ўтмоқчимиз ҳоло. Ахир ҳар нарсани ҳам меъёр бўлгани маъқул.


Мунтазам қулоққа уяли алоқа воситасини тутиб юриш қулоқ аъзоларининг нурланиш ва касалланишини келтириб чиқараркан. «Зиёни бўлса ўйлаб топилмасди» дейсизми? Агар шундай деб ўйласангиз ҳар қандай янглиқнинг, иختиронинг ижобий ва салбий томони бор деган математик ақидадан бехабар экансизда? Баъзан талабага ҳам ачина-

сан. Ахир уяли алоқа телефони ота-онаси олиб берган бўлса, у ҳам бориға шўқ, қилиб фойдаланиб юраредиди, деб ўйлайсан. Бирок ота-оналариниятдан анча йироқмиз. Уяли телефонларга ҳам эътироз билдирмаймиз. Фақат илм даргоҳларида кўтариб юриш унчалик тўғри эмаслигини эслатиб ўтмоқчимиз ҳоло. Ахир ҳар нарсани ҳам меъёр бўлгани маъқул.

Биз бу мавзуга албатта яна қайтамиз. Мулоҳазаларимиз сизни бироз ўйга толдирган бўлса, ўзимизда бу борада иккиланмишга ўшаган андиша пайдо бўлган бўлса, биз ўз ниятимизга етдик. Бундан бугега қандай йўл тасвир, ўзингизга ҳавола.

Дилфуза Қўлдошова

САҲОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК



Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳастімом) меъморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳастімом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бутун ҳамюртларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келаётган йирик илмий-маърифий марказнинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Уйлашмики, мамлакатимизда бу улғу ва саовбли ишга ўз ҳиссасини қўиши ниятида бўлган инсонлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар қўллаб-қувватлашди.

Биз газетамиз орқали ана шундай саоватпешаларга

ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:
СТПР: 206849483
МФО: 00423
Х/р: 20212000604589442001
АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали.

ҚАДИМГИ ШИВОИЗАЦИЯЛАРНИНГ БУГУНГИ АЛОҚАЛАРИ

(Давоми.Боши 1-бетда)

Ўзбек заминидега етишиб чиққан кўплаб буюқ алломалар Мисрда ўчмас из қолдирганлар. Дунёдаги энг узун дарё бўлмиш Нил ўтмишда ҳар йили ўзанидан тошиб, соҳилга оби ҳаёт улашган. Лекин айрим тошқинлар экин-тикинни, баъзида ҳатто қўй-қасабаларни ювиб кетган. Дарёнинг сувидан баҳраманд бўлиш ва қулфатини қочириб мақсадида буюқ аллома Аҳмад ал-Фарғоний бир неча аср муқаддам Нил дарёси сувининг миқёсини ўлчайдиган жиҳоз — устуруб яратган. У Мисрда сув захираларидан унумли фойдаланишда муҳим ўрин тутиб келган ва ҳозир ҳам ишлатилади.

Ўзбекистон ва Мисрнинг сиёсатида ҳам кўплаб ўхшашликлар кўзга ташланади. Икки мамлакат президентларининг тинчликпарварлик сиёсати боис мамлакатларимизда кўплаб нуфузли халқаро анжуманлар ўтади. Ўзбекистон ва Миср ўз минтақасида етакчи давлатлардан саналади.

Ўзбекистон ва Мисрнинг кўплаб халқаро ҳамда минтақавий муаммоларга қаршарли ҳам ўхшаш. Хусусан, террорчиликка қарши курашда ҳамжиҳатлик билан иш тутиш, унинг нафақат ижрочилиги, балки раҳнамолири, молиявий манбаларига барҳам бериш борасида Ўзбекистон ва Миср раҳбарлари ҳамфикр.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Миср аънавий шериклар ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Масалан, сайёҳлик, тўқимачилик, фармацевтика, нефть қимёси, енгил сановат, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳаларда икки томон учун манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мумкин. Лекин ҳамкорликнинг ҳозирги кўрсаткичлари имкониятлар даражасидан анча паст. 2006 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3,6 миллион АКШ долларини ташкил этгани бу фикрни тасдиқлайди.

Жорий йил март ойи бошида Миср халқаро ҳамкорлик вазирлиги Фоида Абуннажо хоним раҳбарлигидаги делегациянинг Ўзбекистонга таърифи доирасида бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Миср ҳукуматлари комиссиясининг бешинчи мажлиси икки томонлама ҳамкорликнинг салоҳиятини ҳамда қорхона ва компанияларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилишларини яна бир қарра намойиш этди. Мажлис якунида савдо алоқаларини ривожлантириш, хусусан, Мисрда кўплаб турдаги маҳсулотлар, шу жумладан, замонавийлаштирилган Ил-76 юк ташуви самолётлари ва Ил-114 йўловчи ташуви самолётлари, тракторлар ва бошқа турдаги қишлоқ ҳўжалиги техникаси, кабель-ўтказгич маҳсулотлар, турли трансформаторлар, қуёш батареялари, мис, ипак етказиб бериш борасида кўплаб келишувларга эришилди. Сайёҳлик, илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди. Миср томони тўқимачилик, фармацевтика, кўнчилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва сайёҳлик борасида сарможий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдорлигини билдирди. Ушбу соҳаларда бир неча тўқима лойиҳани амалга оширишга келишиб олинди.

Ўзбекистонда Миср эҳромларига, Мисрда Ўзбекистоннинг қадимий обидалари ва муқаддас қадимжоларига қизиқиш катта. «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Миср Сайёҳлик вазирлиги ўртасида яқинда имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат ана шу мақсадга хизмат қилади.

Бундан ташқари, икки мамлакатда фольклор-этнография ансамблларнинг концертлари ва бошқа маданият тадбирлар мунтазам ўтказиб турилибди. Самарқандда ўтказилган аънавий «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалида мисрлик хонанда ва созанда-лар мунтазам қатнашиб келади. Академик доираларнинг қадимги кўлэмаларини ўрганиш ва реставрация қилишдаги яқиндан ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

Қадим цивилизация бешиклари бўлган икки мамлакат — Ўзбекистон ва Миср ўзқ тарихга бориб тақалладиган, ўзаро ҳурмат ва манфаатдорликка асосланган аънавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини бугунги кунда ҳам изчил ривожлантириб бораверади. Бу замон тақозосидир. Унинг замирида аънавий дўстлик алоқаларини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш ва муштаҳкамлаш ҳамда манфаатлар муштараклиги муҳасам.

Анвар БОБОВЕВ, Ўза шарҳловчиси

ОЗ-ОЗ ЎРТАНИШ ДОМО БУЛИН...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Жувоз ҳукизи эгри йўл босгани учун ҳар қанча юрса ҳам, мақсадига етолмайди. Кўйни шубон асрамаса ою йил Оч бўрилар туьмасидур бори, бил, Кўзгама булбулни кўп, э гулки, даврон боғида, Қолмамши кўзғолмайни улким, бировни кўзғаммиш. Эй гул, даврон боғида булбулни қийнама, бировни қийнаган, ўзи қийналмай қолмайди. Қийна ул ишким, етиб нуқсон санга, Охири бўлғай вуболи жон санга. Ўзинга зарар етадиган, жонингга увол бўладиган ишни қилма.

Қайси ишдинким, етар нафсинга ком, Топар ондин комини шайтон мудом. Қайси ишданки, нафсинг ором олса, ўшандан шайтоннинг мақсади ҳосил бўлади. Қайси чибин кивсати заркордур, Еридурур қайдаки мурдордур. Ялтйроқ чивиннинг манзили ҳамма ерда ҳам мурдордур. Қариллик дарди бедармондур охир.

Қилай зулм, элга қилгунча, ўзумга. Каю жисмеки, онинг сихҳати йўқ, Қилурга Тенгри амрин куввати йўқ. Соғлом бўлмаган баданинг Оллоҳ амрларини бажаришга қуввати етмайди.

Қозийи ришвахўр — ислом ҳисорига ранагар. Порахўр қози ислом биносига раҳна солувчидир. Қаноат чашмаедурким, суви олмоқ била қурумас ва махзанедурким, нақди сепамок била ўксумас ва мазраъедурким, тухми иззат ва шавкат бар берур ва шажаредурким, шохи истиғно ва хурмат самар келтурур. Қаноат бир чашмадирким, суви олган билан қуримайди, бир хазинадирким, моли сочган билан қамаймас, бир экиндримким, уруғидан азиллик ва улуглик меваси унади, бир дарахтдирким, шохиди хурмат ва давлат ҳосили битади.

Қобилга тарбият қилмамоқ зулмдур ва ноқобилга тарбият хайф.

Қобилга тарбият эрур ул навъким, гуҳар Тушса нажосат ичра югай ани кимса пок. Гар ит узумига киши май бирла берса сув, Бу тарбият била қила олғайму ани ток.

Қобилини тарбиялаш нажосатга тушган гавхарни ювиб поклаганга ўхшайди. Агар киши итузумни май билан парвариш қилгани билан у токка айланадими? (Бу фикр ноқобилга тегишли.)

Қавий душман забунинг бўлса, мурувват қил, қарам ва афе кўргузгил.

Кучли душман сенга мағлуб бўлса, унга мурувват кўрсат, яхшилик қилиб, гуноҳидан ўт. Қардошинг эмас улки, қўб бош санга, Давлат чоғи қилғай ўзни қўлдос санга. Ким қилди қатигилда вафо фош санга, Ул бўлди ҳақиқат ичра қардос санга.

Давлатинг бориди бошини эгиб, ўзини сенга яқин тутган киши дўст эмас, бошинга бир мушкул иш тушганда сени қўллаган киши чинакам дўстдир. Қисқорди ҳаёти ғам ичин ёрғонинг, Умри узун ўлди ранжи қисқорғонинг. Ичи ғамга тўлганнинг ҳаёти қисқарди, ғами ознинг умри узун бўлди.

Қари кишига, билки, кам эмасдур дард, Юз сихҳати бўлса, қариллик басдур дард. Билки, қари кишининг дарди кам эмас. Юз қарра соғлом бўлганида ҳам, қарилгининг ўзи унга етарли дарддир.

Қили солих амал касби шиорингни салоҳ этгил, Вале фосид хаёлинг бирла ҳар дам бир фатод этма.

Яхши амал қилишни касб этиб, ҳаётда яхшиликни шиор қил, лекин бузуқ хаёлинг билан ҳар дам бир бузуқликни ихтиёр этма. Қисмдин ортуғ тилаб, хор этма ўзни, эй азиз, Ким, қаноатдиндурур иззат, таъмадин барча зул. Эй қадрдон, ризқингдан ортингни тилаб, ўзингни хор этмаки, азизлик қаноатдандиру хорлиқинг барчаси тамадан.

Қазодиндур манга ишқ ўйнамоқ, эй носихи нодон, Қўрувсенму киши ҳаргизки, тағйири қазо қилмиш. Эй нодон насихатгүй, ошиқлик менга қисматдир. Уз тақдирини ўзгартирган кишини сира кўрганмисан? Қирговул қорда ёшунган қибдурур айбларинг, Элга бас зоҳир, агарчи сен этарсен игмоз. Айбларинг худди қорга яширинган қирговулга ўхшайди: сен ҳар қанча яширма, элга барчаси ошкор. Қувонма давлати хусунгга, эй паривашким, Замона давлатидек йўқтур эътибори анинг.

Қўйма кўнгулни даҳрнинг эски работига, Сойирга чун маҳалли иқомат эмас работ. Дунё отлиг бу эски қарвонсаройга кўнгул боғламаки, йўловчи учун қарвонсарой доимий яшаш жойи бўлмайди.

Кўй дуру феруза баҳсинким, нўжуму чархни Нилуфар барги уза шабнамча кўрмас ҳимматим. Дуру феруза баҳсидан сўз очмаки, бу фалаку юлдузларни ҳам ҳимматини нилуфар барги устидаги шабнамчалик кўрмайди. Қилса биров ҳамнафса ёрлик, Бўлғуси кўп ғамга сабуқборлик. Биров ҳамдардлик қилса, ғаминг анча енгиллашади. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Сергели тумани Давлат солиқ инспекцияси жамоаси туман солиқ инспекцияси ходими Тўлқин Синдаровнинг волидаи муҳтарамаси Амриво СИНДАРОВАНИНГ вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва ақинларига чўқур таъзия изхор этади.

ЁШЛАР МАРАФОНИ

«ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДА «ЭКОСАН» ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ, ШАҲАР МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ БОШ БОШҚАРМАСИ, МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲАМДА «ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ ҲОКИМЛИГИ ҲАМКОРЛИКЛАРИДА АНЪАНАВИЙ МАРАФОН БЎЛИБ ЎТДИ. «СПОРТ, ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК» ШИОРИ ОСТИДА ЎТКАЗИЛГАН УШБУ ТАДБИР БУТунЖАҲОН САЛОМАТЛИК КУНИГА БАҒИШЛАНДИ.

Мақсуд экомарафонда пойтахтимиздаги олий ўқув юрталарида таҳсил олаётган беш минг нафардан ортиқ талаба-ёшлар, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилаётган спорт фахрийлари, «Экосан» фаоллари, вазириликлар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ва санъаткорлар иштирок этдилар. Экомарафоннинг тантанали очилишида «Экосан» халқаро ташкилотининг раиси Ю.Шодиметов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуслари билан ёшларни спортга оммавий жалб қилиш бўйича ноёб тизим яратилганини, ҳамма жойда, ҳаттоки энг чекка туманларда ҳам спорт мажмуалари барпо этилаётганини, қўллаб-қувватлаш фаолият юритаётганини, бундай ғамхўрликнинг самараси

нафақат спортчиларимизнинг халқаро турнирларда қўлга киритаётган ютуқларида, балки ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлаётганлигини таъкидлашди. Айтиш керакки, спорт билан шуғулланиш, ҳар кун 5-10 километр пиёда юриш, югуриш инсон саломатлигини тиклайди ва узоқ умр кўришига ҳисса қўшади. Талабалар ўртасида бўлиб ўтган экомарафон шунинг кўрсаткичи, ёши ва лавозимига қарамадан ҳар бир инсон шундай оммавий марафонларда иштирок этиши мумкин. Бу йилги марафон ёшларнинг жисмонан чиникқанлигини яққол намойён этди. Талабалар 2300 метр спорт фахрийлари эса 300 метр масофага югуриш мусобақаларида иш-

тирок этиб муносиб ўринларни эгаллашди. Беллашуларда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабалари энг яхши натижага эришдилар — қизлар ўртасида Дилбар Маҳмудова, йигитлар ўртасида Сардор Худойбергванов маррага биринчи бўлиб етиб келдилар. Бошқа олий ўқув юрталари талабалари ҳам пешқадамлар ўнлигидан жой олишди. Спорт фахрийлари орасида ҳам голиблар аниқланди. Марафоннинг барча голиблари ва фаол иштирокчиларига таш-

килотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди. (Ўз мухбиримиз) СУРАТДА: талабалар марафонидан лавҳа



Осон эмас бу майдон ичра турмоқ, Низомий панжасига панжа урмоқ. Ҳазрат Навоий «Хамса»ни ёзишга жазм этганларида бу ижодий жараён нақадар оғир ва масъулиятли эканлигини ҳис этиб, сўз боши сифатида мана шу сатрларни битган бўлсалар не ажаб. Мозийга яна бир бор қайтиб иш кўришни хайрли билиб, ўзбек романчилигининг пойдеворида гишт қўйган Абдулла Қодирийдек сўз заргарининг «Ўтган кунлар» романининг сахнавий вариантини яратишга аҳд қилган Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов ва Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусикали театрининг бош режиссёри Ўзбекистон халқ артисти Рустам Маъдиев ҳам «Бу майдон ичра турмоқ» осон эмаслигини ақл таразусидан ўтказиб бу шарафли вазифани бажаришга киришганлар десак хато қилмаймиз. Яқинда театр жамоаси томонидан томошабинларга тақдим этилган ушбу асар премьерасини кўриб ана шундай фикрга келдик. Албатта кенг қамровли йирик бир асар, бунинг устига ўқувчиға илгидан игнасиғача маълум ва машҳур романи сахнага олиб чиқиш ҳар бир ижодкордан катта куч талаб этади. Сабаби бир ярим соат давом этадиган, бунинг устига мусикали драмада «Ўтган кунлар»ни буйбаста билан тўлалигича қамраб олиб бўлмасди. Шунинг назарда тутиб муаллиф ва режиссёр романининг асосий мағзи Отабек ва Қумушбиби севгиси ва мана шу севги боис ҳар иккала оиланинг (Юсуфбек хожи ва Мирзақарим қутидор) қувончу ташвишларини пьесанинг бош мавзуси қилиб олиб, ўйлаймизки, тўғри йўлни танлашган. Бу чизик биринчи сахнадаги қизлар бағдида ҳам, кейинги кўринишлардаги — Отабек ва Қумушбиби учрашуви, ота-она розилиғи билан Зайнабнинг Ўзбекиоим хонадонига келин бўлиб тушиши, Хомид ва унинг маслакдошлари воқеаси, оилавий келишмовчиликлар, ниҳоят охириги тақдим Қумушбибининг ўлим сахнасида ҳам ўз ифодасини топган.

Янги спектакль «ЎТГАН КУНЛАР» САХНАДА



Ижодкорлар олдида ўйлашга арзигулик яна бир оғир муаммо турарди. Сабаби, «Ўтган кунлар» бир эмас, балки икки бора янги-янги талқинда экан юзини кўрган, томошабинларнинг диққат-эътиборини қозонган эди. Кинодаги катта-кичик ролларни юксак даражада ижро этган машҳур артистларнинг маҳорати барчанам бирдек танг қолдирганди. Айниқса, Отабек, Қумушбиби, Юсуфбекхожи, Ўзбекиоим, Мирзақарим қутидор, Зайнаб образларини қиёмига етказган санъаткорларнинг номи ҳали-ҳануз одамлар тилидан тушмай келади. Шундай экан, бу асарнинг сахнавий варианты киносценарийлардан нимаси билан

сан юқорида таъкидлаганимиздек, Отабек ва Қумушбиби севгиси ва унинг фожеаси асосий сюжет линииси қилиб олинган. Роль ижрочилари ҳам ҳар бир образни илҳом борица ўзига ҳисса қилганда, яъни ўхшашликдан қочиб бажаришган. Масалан, Юсуфбек хожи (Ўзбекистон халқ артисти Ф.Аҳмедов), Ўзбекиоим (Ўзбекистон халқ артисти М.Ихтиёрова), Отабек (артист М.Ҳамидов), Қумушбиби (артист З.Умирова) ва ниҳоят Хомидбой (артист Х.Ортиқов) образларининг юки, тили, сўзи моҳиятан бир бўлсада, лекин олдингиларидан сезиларли даражада ўзгача оханг, ўзгача услуб кашф этган. Муаллиф ва театр жамоасининг ютуғи ҳам айнан шунда деб биламиз. Қолаверса режиссёр Рустам Маъдиев бош роль — Отабек ва Қумушбиби образларини ёшларга ишониб топширгани ҳам беҳиз эмас. Чунки ҳаракатчан, ролга чанқок истеъдодлар илҳом борица сахнада ўз услубини яратишга ва жамоанинг ўзларига билдирган ишончини оқлашга ҳаракат қилиши табиий эди. Қай даражада бунга эришилган ҳам. Бу таъкидлар тўғри ва аниқ мақсадга йўналтирилганлигини асар кўриғида қатъангина соҳа мутахассислари, театрушнослар, жамоатчилик ҳам ўз фикр ва мулоҳазалари-

сахнада чинакам ўз образига мос қиёфда кўрамиз. Бошқа катта-кичик ролларни бажарган санъаткорларнинг изланишлари ҳам эътиборга молик. Айниқса, Отабек, Қумушбиби, Зайнаб, Хомид ролларини бажарган ёш истеъдодлар (баъзи бир жузъий камчиликлардан ҳоли бўлмасалар-да) ўз образларига масъулият билан ёндошганлар. Бастакор С.Юсуповнинг асар руҳига мос мусикаси, балетмейстер — Ўзбекистон санъат арбоби Ш.Аҳмедовнинг спектакль кўринишлари мазмунидан келиб чиқиб сахналаштирган рақслари бизни хушнуд этди. Шу ўринда инсценировка муаллифи, севимли шоиримиз Жуманиёз Жабборовни ҳам бу ижодий изланиши билан табрикламоқчи истардик. Ўйлаймизки, забардаст шоир, етуқ ва тажрибали драматург «Ўтган кунлар»га мурожаат этиб, хайрли иш қилибгина қолмай, балки яна бир бор ўз муҳлисарию, кенг томошабинларнинг таҳсинига сазовор бўлди.

Бир сўз билан айтганда, театр жамоаси баъзи нуқсонлардан қатъи назар яхлит бир ансамбль яратиб, ўз олдиға қўйган вазифани тўла уддалай олган дея оламиз. Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ СУРАТЛАРДА: спектаклдан лавҳалар.

ШАҲРИМИЗ ТАЭКВАНДОЧИЛАРИ ФОЛИБ

ЧИРЧИК ОЛИМПИА ЗАҲИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИДА ТАЭКВАНДО БЎЙИЧА БОЛАЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИДА ЮРТИМИЗНИНГ ТУРЛИ БУРЧАКЛАРИДАН КЕЛГАН ЖАМОАЛАР ВАКИЛЛАРИ ГОЛИБЛИК УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРИШДИ. Умумжамоа ҳисобида энг кўп совринли ўринларни эгаллаган «Тошкент-1» командаси юқори поғонани банд этган бўлса, иккинчи ўрин Чирчиқ шаҳри терма жамоасига насиб этди. Шунингдек, «Тошкент-4» жамоаси шарафини ҳимоя қилган таэквандочилар ҳам кучли учкидан жой олди. Боҳир БЕК

Мунажжим башорати

ОДАТЛАРИНГИЗГА РИОЯ ҚИЛИНГ 13 АПРЕЛЬ, ЖУМА Мунажжимларимиз бугунги куёш ҳолати иш ва шахсий муносабатларда жанжал-можаролар ва келишмовчиликларнинг юзгага келишига сабаб бўлишини таъкидлашади. Бугун куёш тақвимидаги энг мураккаб кунлардан бири бўлиб, одамларни кўполлик ва номуносиб ҳаракатларга ундайди. Тақдир бизни гўё хиёнатдан синайди ва турли ҳушомадуйларга нисбатан хушёр бўлишга чақиради. Оймомамиз бугун кўпроқ сукут сақлашга даъват этади, зеро, сафсатабозлик ва беҳуда баҳсларга кўп куч ва вақтингиз сарф бўлиши мумкин. Қиммат нарсаларни харид

қилишдан тийилганингиз маъқул — пулингизни бекорга совиришингиз хавфи мавжуд. Тасодифан устингизга сув тўкилиб кетиши сизга келажак кўмак ва ҳимоядан дарак беради. БУГУН: — анча илгари бошлаб қўйган майда-чўйда ишлар билан банд бўлиш; — одатларингиз ва анъаналарга риоя қилиш; — куч ва имкониятингизга қараб хизмат ва оилавий муаммоларни ҳал этиш; — саломатлигингизни асраб, кучларингизни тежаш; — ҳар қандай вазиятда хотиржамлик ва обрўйингизни асраш.

Сўраш, жавоб берамиз

ҚИММАТ ҲАМ, АРЗОН ҲАМ БУЛМАСИН

Ишлатишда қўлай бўлгани учун ноутбук сотиб олишни ният қилиб қўйганман. Лекин бозорда чўв тушиб, қалбақисини олиб қўйиш ҳеч гапмас, дейишади. Арзоннинг шўрваси татимас, деганлари учун яхши мол олишни истайман. Лекин сунъий равишда ортиқча нархни тўлашга ҳам тоқатим йўқ. Сифатли, барча функциялари бор бўлган ноутбукни қандай ажратиш мумкин? Султонали Абдуваҳобов, Юнусобод тумани. ЭҲМ бўйича эксперт-менежер А.Татарников жавоб беради: — Ҳозир компьютерлар бозори тез ривожланиб борапти. Шунинг учун ҳам энг аънанавий моделлар баҳоси арзонлашиб бориши табиий. Энг қимматбаҳо компьютер техникалари, шу жумладан, ноутбуклар ҳам турли ўйинлар билан ўлдириб сотилади. Агар компьютер ўйинларига қизиқмасангиз, мусика тинглаш ва кинофильмлар кўриш имкони бўлган ўртача катталикдаги ноутбукларни таҳминан минг доллар ва ундан ҳам камроққа сотиб олишингиз мумкин. Албатта, бундай молни харид қилишда

тайинли фирма ёки унинг дўконига мурожаат этганингиз маъқул. Пул тўланган ҳақидаги чиптани олишни ҳам унутманг.

3 МИЛЛИОНЛИК СОВҒА

Ўтган йили қарийб киш кириб келгунича ҳам россиялик машҳур хонанда Лолита миллионер эри Александр Зарубин билан ажралишармиш, деган миш-мишлар юрарди. Уларнинг тақдирини нима бўлдиқкин? Зарина Ханбултиева, Миробод тумани. Журналистларга Политанингни ўзи жавоб беришича, тақдир қандай кечиниши ўзи ҳам билмаган санъат юлдузи 43 ёшга тўлиши арафасида қувончли воқеанин шоҳиди бўлган. Узоқ вақт хизмат сафариди бўлган умр йўлдоши катта шов-шув билан ҳамда улкан совға-саломо билан пайдо бўлган. Миллионер хотинига Москва марказида жойлашган улкан квартира — пентхаус қалитини топширган. Тахминий баҳоси 3 миллион долларга тенг ушбу совғани эри сунгги кунларгача сир тутиб келган эди. Квартира ҳали биронга ҳам хонаси бўлмаган улкан макондан иборат бўлгани учун таъмирлаш-қурилиш ишлари бошлаб юборилган. — Ҳамма нарсани — ётоқхонани ҳам, меҳмонхона-ю, дам олиш хоналари, ижодхона, ошоналарнинг режалаштириш керак... Бахтинг қачон, қайси томондан кириб келишини билмайсан, деб шуни айтишса керак-да.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3061 нусxada босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер маркада терилди ва саҳифаланди. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6